



«Дархакикат, дин Аллохникидир. Барча инсонлар афт-ангоридан катъи назар, Унинг кулидир».

Лапу-Лапунинг Магелланга ёзган мактубидан

Ёшлигимда Магеллан хакида ёзилган бир китобни ўқиган эдим. Унда Магеллан Хиндистонга зираворлар олиб келиш учун йўлга чика-ди. Сўнгра Жанубий Америка ва Оловли ерни бўлиб турган кўрфаз оркали Тинч океанига бориб қолади. У ерда филиппинлик бир ёвуз киши уни ўлдириб, саёхатига нукта қўяди. Шу воқеаларни ўқиб, нихоятда таъсирланган эдим. Бир неча йиллардан сўнг ўқиганларим шунчаки бир афсона эканини тушуниб етдим.

Мактаблардаги тарих китобларда португалиялик «довюррак» тадқиқотчини Португалиядан қувилган бир рухоний экани хакида айтилмаган. Ўз еридан қувилганидан сўнг Португалиянинг душмани саналган Испания подшолигига хизмат қилади. Шунингдек, у инквизацияда катнашиб, бир неча мусулмонлар конини тўқади. У салиб

юришчилари билан бирга Марокашлик мусулмонлар ўртасидаги мухорабаларда ҳам иштирок этган. Сўнгра бу салибчи 1519 йили Осиёдаги тинч ҳаёт кечираётган мусулмонларга кўз тикиб, Шаркдаги мусулмонларни христиан динига ўтказиш учун, Испания подшохи билан битим тузган. Бу золим шахс Фернан Магелландир. У 1521 йили кейинчалик Филиппинлар деб аталган оролга ҳужум қилади. Бу христиан рухонийси ҳамда унинг аскарлари Филиппин аҳолисини талон-тарож қилиб, аёлларини номусига тегадилар. Халк бунга жимгина қараб турмай, оддий меҳнат қуроли билан уларга қарши кўзголон қўтаради. Испан аскарлари уларни уйларини ёқиб, ўлкани яқсон қиладилар. Чорасиз қолган халк мусулмонлардан бўлган Лапу-Лапу исмли подшоҳ қўл остидаги Мактан оролига қочиб борадилар. Бу ваҳший, салибчи рухонийга Лапу-Лапудан бошқа барча ороллarning буддист подшолари бош эгадилар. Шунда Магеллан Лапу-Лапуни бош эгишини талаб қилиб, қуйидагича нома йўллайди.

«Мен Иисус Христоснинг номи билан сени бош эгитишнинг талаб қиламан. Зеро биз цивилизация раҳнамолари бўлган оқ танлиларданмиз. Шунинг учун биз бу ерга ҳукмронлик қилишда сизлардан қўра ҳақлироқмиз».

Мусулмон баҳоидири Лапу-Лапу номани Ҳазрамаут ва Уммондан келган араб савдогарлари ва улардан илғари Хитой ва Суматрадан келган мусулмонларни тинчлик йўли билан келган номаларига солиштириб қўрган. Таъқидлаш жоизки, филиппинликлар 1380 йили юқорида санаб ўтилганлар даъвати билан Ислонни ихтиёрий равишда қабул қилган эдилар. Улар христианлар қаби таҳдид солишмаган. Шунда Лапу-Лапу бутун Филиппин ороллари испан босқинчиларига қарши кўзголонга қорайди. Уни ирқчилик тарафдори бўлган Магелланга ёзган жавоб мактубини Ислон тарихшуноси Махмуд Шокир «Ислон тарихи» асарида келтиради:

«Дарҳақиқат, дин Аллохникидир. Барча инсонлар аф-ангоридан қатъи назар, Унинг қулидир».

Хикоямиз қаҳрамони ўша пайтдаги дунёнинг энг қудратли бўлган Испания империясининг армиясига қарши оддий қуроланган аскарлардан иборат бўлган бир қўшин тузади. Қарши тарафлар Филиппиннинг Мактан оролида тўқнаш қеладилар. Филиппин мусулмонлари: «Аллоху Акбар!» дея ороллари титрата тақбирлар айтиб, жангга қирадилар. Мусулмонлар раҳнамолари Лапу-Лапу ўзи ҳам қилич яланғочлатиб, Магелланни ҳимоя қилувчилар ортидан бирма-бир қатл қилиб қиради. Мухораба якунланиши арафасида Лапу-Лапу қиличини Магелланга қаратиб, бумеранг қаби отади. Қилич айланиб бориб, Магелланни бошини қесиб ўтади. Шундай қилиб, мусулмонлар испан босқинчилари устидан қолиб қеладилар. Лапу-Лапу бошлиқларини ўлигини ташлаб қочган салиб юришчиларига шиддатли зарба беради. Қутулганлари қочиб бориб қемаларига ўтириб, шошганича жўнаб қетадилар. Лапу-Лапу Магелланнинг танасини беришдан бош тортиб, бошқаларга ҳам ўрнак бўлиши учун, уни ўша ерга қўмдиради. Уни дафн этилган жойи ҳозиргача сақланиб қолган. Шундай қилиб, Лапу-Лапу Жануби-Шарқий Осиё оролларида халқ қаҳрамонига айланади.

Мағлубият аламини тотган Испания бу оролга энг қучли флоти билан қелиб, тарихда қили қўрилмаган қиргин солади. Мусулмонларни қуч таъсирида насроний динига ўтишга мажбур қиладилар. Лекин бу иш осон қечмайди. Миллионлаб мусулмонлар ҳаёти зомин бўлганидан сўнг уларнинг мақсадлари амалга ошган. Сўнгра бу орол Испан подшохи Филипп II нинг шарафига «Филиппинлар» деб аталади. Мусулмонларнинг ўша пайтдаги пойтахти «Амануллаҳни» Манила деб ўзгартиришан (Филиппинни ҳозирги пойтахти). Мана шундай ёвузликлар орқали Филиппинни Осиёдаги ягона католик

мамлакатига айлантирган эдилар.

Бу маълумотларни билганимиздан сўнг, Филиппиндан араб ўлкаларига бирор хизмат билан келганларга, уларнинг аждодлари мусулмон ўлганликларини тушунтириш даркор. Уларни зулм билан христиан синига ўтганидан кейин, тинчлик дини бўлган Исломни хакикий юзини кўрсатиш учун, чиройли муомала килишимиз лозим. Афсуски, бир замонлар Ислом ўлкаси бўлган Филиппиндан араб диёрларига келганларга ёмон муомала кўрсатилган пайтлар бўлган.

Португалияликларни Бразилиядаги жиноятлари, испанларни Филиппин оролларида килган ёвузликларини билиб олдик. Энди эса Англия ва Францияни Шимолий Америкадаги боскинчиликлари тўғрисида хабардор килиш вақти келди. Инсоният тарихидаги энг жирканч бўлган кулчилик замонига бир назар ташласак. Бизга бу тарихни ўз кони билан ёзиб қолдирган бир буюк мусулмон қахрамонига хикоя қилади. Унинг қўлёзмалари ҳозирги кунгача Америка Қўшма Штатларининг музейларида сақланади.

Ат-Туробийнинг

"Ислом умматининг 100 буюк шахси" китобидан